

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 19 сентябрь  
чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 193 (2755)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

## Хўжаобод: 15 хил маҳсулот



Замона шарофати, иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, қишлоқ жойларда санат корхоналари сафи кенгайиб бораётганлиги айна ҳақиқатдир. Мисол дейсизми? Балкичи туманида «Хўжаобод» очик турдаги акциядорлик жамияти барпо этилганга ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Аҳил жамоа филокорона меҳнат ва тинимсиз изланиш туфайли салмоқли натижаларни қўлга киритаяпти. Узоққа бормайлик, айна пайтда корхонада 15 хилдан зиёд кундалик истеъмол маҳсулотлари тайёрланмоқда. Булар асосан ички кийим-кечақлар, уст-бош либосларидир. Эътиборли томони шундаки, яқиндан бошлаб корхона цехларида мактаб ўқувчилари учун турли ўлчамдаги сумкалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

СУРАТДА: чевар тикувчи  
Наиша Зайниддинова.  
Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ  
олган сурат.

### Тақдимот

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ерга нафақат қишлоқ хўжалиги экинлари экиб, ундан ҳосил олиш воситаси сифатида, балки келажак авлодларимиз яшаш учун табиий бойлик сифатида қарош тушунчаси юзага келди. Президентимиз Фармони билан Ер ресурслари давлат қўмитасининг ташкил этилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕР АТЛАСИ

босмадан чиқди

Она заманимизнинг ҳар бир қаричидан фойдаланиш ишларини жаҳондаги деҳқончилик маданияти ривожланган давлатлар тақрибаси асосида олиб бориш йўлга қўйилди. Лекин айна пайтда ердан фойдаланиш, кенг маънода олиб қарайдиган бўлсақ, шу куннинг талаби даражасида эмас. Масалан, кўпгина вилоят ва туманларда етиштирилётган ҳосил уларнинг ҳақиқий имкониятлари даражасида бирмунча паст. Тўғри, бунинг сабаблари турлича. Назаримизда, асосий сабаблардан бири ер тўғрисида батафсил, кенг қамровли, тезкор ва ишончли маълумотларнинг етишмаслиғидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи арафасида Ер ресурслари давлат қўмитаси шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ер ресурслари Атласини тайёрлаб нашрдан чиқарди. Альбом шаклида, рангли, юқори замонавий дизайн билан безатилган китоб ердан янада оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини такомиллаштириш, ер мониторингини ташкил этиш ва уни юритиш каби кўплаб муҳим масалаларни ечимда ёрдам бериши шубҳасиз. Атласда мустақиллик йилларида ерга оид муносабатларнинг ўзгариши, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, деҳқон, фер-

мер ва ширкат хўжалиқларини ташкил этишга оид фикрлар, ер ресурсларининг умумий таъсифи, ҳолати ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар ўзаро уйғунлаштирилиб, оммабоп қилиб берилган. Шу билан бирга, Атласда республикамиз ер фонди тўғрисида муфассал маълумотлар, вилоятларимиздаги тупроқларнинг структураси, ер бонитетлари, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш, шунингдек, мамлакатимиз шаҳар ва туманлари ҳақида манбалар мавжуд. Кеча республика Ер ресурслари давлат қўмитасида ушбу Атласнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда фан ва амалиётга алоқадор бир қатор вазирилик, идора ва институтларнинг раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ер тўғрисидаги мазкур йирик рангли Атласга юқори баҳо бериб, ундан нафақат ер муносабатларига оид ташкилот ва идоралар, балки халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар ходимлари ва олий ўқув юртлири талабалари ҳам қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкинлигини таъкидладилар.

Ҳосил КАРИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Мажлисида ҳудудий комиссиялар, вазирилик, идора ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида банкротлик механизмининг ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ҳамда муҳим аҳамиятга эга, алоҳида мониторинг ўрнатилган йирик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек, банкротлик жараёнини бошлаш тақлиф этилган корхоналар ҳолати кўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида банкротлик ва санация механизмининг қўллаш такомиллаштириш, республикада тўловга лаёқатсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда уларни кенг қўллаш, шунингдек, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, корхоналарни тугатиш жараёнини тартибга солиш мақсадида

тегишли вазириликлар ва идораларга мулкда давлат улуши мавжуд корхоналар бўйича ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда бундай улушга эга бўлмаган юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда ўз банкротлигини эълон қилиши ва тугатилиши механизми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Таъкидландики, 2001 йилнинг саккиз ойи мобайнида йирик корхоналар билан олиб борилган ишлар натижасида 27 та зарар кўриб ишлаётган корхонадан 16 таси қарздорликдан қутулди. 62 та иқтисодий ноҳор корхонадан 30 таси тўлов лаёқатини тиклади. Шунингдек,

2001 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 32 та иқтисодий ноҳор корхонадан 10 тасини давлат ёрдамида молиявий соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Айна пайтда Ҳукумат комиссияси «Ўзкимёсанот», «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкоммунизмат» агентлигининг ўз тасаруфига қорхоналарни иқтисодий ноҳор ҳолатдан чиқариш бўйича олиб бораётган ишлари қоникорли эмаслигини таъкидлади.

Истиқболсиз 9 та корхона бўйича банкротлик ва уларни тугатиш жараёнини бошлаш ҳақида қарор қабул қилинди. (Ў.А.)

## Халқаро йиғилиш

Тошкентда Курғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги бўйича илмий тадқиқотлар халқаро марказининг (ИКАРДА) Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари бўлими бешинчи минтақавий мувофиқлаштирувчи кенгаши иш бошлади. Унда Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари иштирок этмоқдалар.

ИКАРДА фаолиятининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжали-

гини тараққий эттиришга қўмаклашишдан иборат. Шу мақсадда халқ истеъмоли учун зарур бўлган донли ва дуккакли ўсимликлар маҳсулдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш, генотипини сақлаш мақсадида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Курғоқчилик рўй бераётган минтақаларда шундай ўсимлик турлари йўқолиб кетишининг олдини олиш ва истиқболли навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Кенгашида мамлакатимизда истиқболли на-

вларни яратиш ва маҳсулдорлигини ошириш, тупроқ ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассислари малакасини юксалтириш борасида катта ишлар амалга ошириляётгани таъкидланди. Тадбирнинг очилиш маросимида Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди. Кенгаш 20 сентябргача давом этади.

Баҳор ХИДИРОВА,  
Ў.А. мухбири.

## Пахтаободликлар маррага етди

Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани йиғим-терим мавсуми илгорида сафига қўшилди. Пахтакорлар давлат мўлжалланган 400 тоннадан ортиқ хомашё тоширишди. Улар давлатга режадаги 23 минг 113 тонна уринга 23 минг 516 тонна хомашё сотдилар. Ҳосилдорлик эса урта ҳисобда гектардан 28,2 центнерни ташкил этади. Вилоятда бўлгани каби, Пахта-



обода ҳам «Андижон технологиясини янада ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Деҳқонлар шёнка остига чингит экин усулдан фойдаланишлар. Маҳаллий тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, кўп тала берилган гўза навлари танлаб олинди. Ҳатто адирлардан ҳам юқори ҳосил олишга эришилди.

С.ШУКУРОВА,  
Ў.А. мухбири.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

26-28 сентябрь кунлари Тошкентда ТРАСЕКА Ҳукуматларо комиссиясининг навбатдаги йиллик анжумани бўлиб ўтди. Унда Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдан ўн бешга яқин давлат, шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

Маълумки, ўтмишда Буюк Ипак йўли Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаб келган. У мамлакатлар ўртасида нафақат савдо-сотиқ, балки сиёсий, маданий ва илмий алоқаларни ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилган. Йўл бўйида кўплаб қўрғон ва шаҳарлар, катта-кичик бозорлар, қарвонсаройлар бунёд этилган. Шу жиҳатдан қараганда, Буюк Ипак йўли Осиё ва Европа халқларининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бироқ асрлар давомида юз берган сиёсий, иқтисодий ва табиий ўзгаришлар, шунингдек, фан-техника ривожини натижасида бу йўлнинг аҳамияти аста-секин пасая борди.

Бугун халқаро интеграция жараёнлари жадаллашаётган пайтда қадим савдо-сотиқ йўлларини тиклаш зарурати туғилмоқда. Буюк Ипак йўлининг тикланиши, ўтмишда бўлгани каби, давлатларнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва маънавий ҳаётига таъсир ўтказиши аён.

Буюк Ипак йўлини тиклаш борасидаги савб-ҳаракатлар ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида бошланган. Хусусан, ЮНЕСКО ўзининг Жаҳон маданиятини ривожлантириш ўн йиллиги (1988-1997 йиллар) лойиҳаси доирасида «Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли» деб ном олган махсус дастур ишлаб чиқди. Ғарб билан Шарқ ўртасида иқтисодий, илмий-маданий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ушбу дастур кўп давлатлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. 1993 йилнинг майида Брюсселда Европа Комиссияси ташаббус билан Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари транспорт ва савдо вазириларининг ушбу масалага бағишланган учрашуви ўтказилди. Мақсад янги мустақил давлатлар — Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларини кўриб чиқиш, уларга сиёсий ва иқтисодий қўмак беришдан иборат эди. Янада аниқроқ қилиб айтсақ, Европа ва Осиёни боғловчи Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлига — ТРАСЕКАни барпо қилиш масаласини атофилча муҳокама қилиш кўзда тутилган. Режа барчага маълум тушган, келишув тўғрисида декларация қабул қилинди. Ўтган вақт давомида ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди. Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, тегишли вазирилик доирасида халқаро учрашувлар, илмий анжуманлар ўтказилди. Янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. 1996 йилда Грузия, Озарбойжон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида Транскавказ коммуникация йўлининг барпо қилиш бўйича имзоланган Сараҳс шартномаси, шунингдек, Марказий Осиё ва Эрон темир йўлларининг тугатирилиши ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилишда асо-

сий босқичлардан бўлди. Янги йўллар орқали юк ташила бошланди. Бунинг фойдаси аққол кўрина бошлаган эса, лойиҳага қўшилувчи давлатлар сонини ҳам ортди. Ҳозир жаҳоннинг элликлдан ортиқ давлати ТРАСЕКАдан кенг фойдаланапти. 1998 йилнинг сентябрида Озарбойжон пойтахти Бокуда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишлаб ўтказилган йирик халқаро анжуманда ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматларо комиссия таъсис қилинди. Ушбу лойиҳани маблағ билан таъминлаш мақсадида ТРАСЕКА банк ташкил этилди.

Ҳўш, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун бу йўл қандай аҳамиятга эга? Ўзбекистонда Президентимиз Исроом Каримов раҳнаомлигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб транспорт коммуникацияси тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш маҳсулотларини жаҳон бозорига тез ва арзон олиб чиқувчи, ўз навбатида, четдан товар олиб келишни енгиллаштирувчи йўллар қидирила бошланди. Изили савб-ҳаракатлар тезла самара берди — янги муқобил йўллар топилди. Хусусан, мамлакатимиз учун Эрон орқали Форс кўрғазига, Покистон орқали Ҳинд океанига, Туркия орқали эса Ўрта денгиз ва Қора денгизга чиқиш, шунингдек, Ўш, Ирқештом, Қашқар орқали эса Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан боғланиш имконияти туғилди.


Айниқса, Европада чиқадиган Туркменистон—Қасий денгизи—Озарбойжон—Грузия йўналиши нафақат Ўзбекистон, балки кўплаб бошқа давлатлар учун ҳам жуда маълум келди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу йўлдан кенг фойдаланмоқда. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётган. Йўл ҳаракатлари, юк ташили билан боғлиқ муаммолар сезиларли даражада қамалди. Энг муҳими, жаҳон бозорига кенг йўл очилди. Ишончли шериқлар пайдо бўлди. Айна пайтда Европа маҳсулотларининг минтақамиз бозорларига келиши енгиллашди.

ТРАСЕКА Ҳукуматларо комиссиясининг иккинчи мажлисини ўтказиш учун бежиз Тошкент ташлангани йўқ. Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё қисми асосан Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Шунингдек, мамлакатимизда бу йўлни тиклаш бўйича қисқа вақт ичида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан Тошкент—Андижон—Ўш—Ирқештом автомобиль йўлини қуриш ва таъмирлаш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилияпти. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш бу йўналиш Европа мамлакатларини Гинч океани ҳамда Жануби-шарқий Осиё давлатлари билан боғлайди.

Раҳмон МАҲМУДОВ,  
Ў.А. мухбири.

### ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**АҚШ: фожеали воқеалардан сўнг**



АҚШдаги террористик ҳужум оқибатлари ҳамон дунё жамоатчилигининг асосий эътиборида турибди. Энг сўнгги хабарларга қараганда, ушбу террор оқибатида ҳалок бўлганлар сонини кеча 5422 нафарга етди. Ҳозирга қадар 201 нафар мурда ваيرانлар ичидан олиб чиқилган.

Маълумки, Оқ уй раҳбари Жорж Буш ўз чиқишида айни террористик актни Америкага очилган уруш сифатида баҳолаган эди. Айна пайтда АҚШ ҳарбийлари уруш тайёрлигида туришди. Бирок мамлакат аҳолисини ўртасида ўтказилган тезкор сўровда иштирок этган ҳар уч кишидан икки нафари айни уруш қимга қарши қаратилиш кераклигини ҳақидаги саволга жавоб бера олмаган. Шунингдек, кўпчилик учун Пентагоннинг ҳарбий режа-

си қачон ва қандай қўришида амалга оширилиши маълумлигича қолмоқда.

Associated Press агентлигининг хабар беришича, мазкур террор натижасида катта иқтисодий зарар кўрган Американинг US Airways авиакомпанияси ҳодимларининг иш ўрнини қисқартришга мажбур бўлмоқда. Шу вақтгача мазкур авиакомпанияда 50 минг ҳодим фаолият кўрсатаётган эди.

Россия мулоффа вазири Сергей Иванов АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси К.Райс ва америкалик ҳаммасиб Д.Рамсфелда билан сим орқали ўтказган мулоқотида 11 сентябрдаги террорга дахлдор бўлган ўзлаги маълум барча маълумотларни Оқ уйга етказишга тайёр эканлигини билдирди.

**Етти ойда учинчи раҳбар**

Македония президенти Борис Трайковскиининг мамлакат армиясини Бош штабга бошлиқ лавозимига янги ҳарбийни тайинлади. Ушбу мартабани генерал Мефодия Стамболиевский эгаллади. Бу билан Македония армиясини Бош штабга бошлиқ лавозимига шу йилнинг февраль ойидан буюн учинчи бор ҳарбий намоянда тайинланди.

**Гудермес жангарилардан тозаланди**

Куни кеча Гудермесда бир гуруҳ жангарилар билан Россия қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув оқибатида ҳар икки томон ҳам катта йўқотишларга учради. Чеченистон маълумиятининг бошлиғи Аҳмад Қоидиров жангариларнинг мазкур хатти-ҳаракати мамлакат хавфсизлиги ҳодимларининг маълумиятига солиб бўлди, дея баёнот берди. Чунки қарий 300 нафар жангарий йўловчи автобусларда Гудермесга эркин кириб



келган. Россия президентининг ёрдамчиси С.Естрёмскийнинг маълум қилишича, ҳозирда Гудермес маркази жангарилардан бутунлай тозаланди. Аммо айни жангда федерал аскарлардан 10 нафар киши қурбон бўлган.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

**АТЛАС**  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING  
ЕР РЕСУРСЛАРИ

# Мустақиллик ғояси — ҳар бир қалбда

Фаргона вилоятининг Сўх, Риштон, Ўзбекистон ва бошқа туманларида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. Фаргона давлат университети ташвиқот гуруҳи чекка хўжаликлар меҳнаткашлари ҳузурда бўлди. Гуруҳ таркибига ижтимоий-гуманитар фанлар профессор-ўқитувчилари бор. Сафар учун ажратилган автобус аудио ва видео ускуналар билан жиҳозланган. Маърузачилар гуруҳи зарур адабиётлар билан таъминланган.

Олий ўқув юрти ўқитувчилари аниқ рақамлар ва далиллар билан мустақиллик ғоясини таъкидлашга ҳақиқатан ҳам эътибор қаратди. Мустақиллик ғояси ҳақидаги маърузаларда мамлакатимизда жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий соҳаларида эришилган ютуқлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилинди. Маърузалар Президент Ислам Каримовнинг асарлари ва нутқлари асосида тайёрланган. Бу асарларда демократик, ҳуқуқий, маънавий ривожланган, бозор иқтисодиёти йўналиштирилган давлат қуриш йўлида Ўзбекистон халқи олдига турган асосий ва-

қўламли ислохотларнинг бориши, халқимизнинг 10 йил аввал танланган ислохотлар йўлида эришган ютуқларидан хабардор қилиш, ёшлар орасида миллий мустақиллик ғоялари, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тарғиб қилиш бу гуруҳларнинг вазифасидир.

Маҳаллий олий ўқув юрлари маърузачилар гуруҳлари Андижон ва Наманган вилоятларининг кўпгина туманларида ҳам бўлишди. Тез кунларда Тошкент давлат авиация институти ўқитувчилари маъруза жиҳозланган автобусда Бухоро вилояти Олот тумани меҳнаткашлари билан учрашувга йўл олади. Келгусида тарбиячилар гуруҳлари қишлоқлар ва туманлар марказларида, саноат корхоналари меҳнат жамоаларида доимий меҳмонга айланади. Олий ва ўрта маъсу таълим вазирлигида ишлаб чиқилган жадвал мувофиқ, бундай сафарлар бутун республика бўйлаб уюштирилади.

А.ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири.

Маълумки, Оролбўйи минтақасидаги сув тақчиллиги ҳамда юзага келган ноҳус экологик вазият тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг ушбу ҳудуддаги аҳолига ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилганди. Ҳозирги кунда бутун мамлакат бўйлаб Оролбўйи аҳолисини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир ўтказилмоқда.

## ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

254-сонли маъсу «Нукус — Андижон» поезидида Хоразм ва Қорақалпоғистондан 158 нафар йўловчи Андижонга етиб келди. Меҳмонларни қарнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Андижон вилояти касса бошқаруви кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ғ.Содиқов тантанали митингни очар экан, дам олишга келган хотин-қизларни самимий қутлади. У Оналар ва болалар йили муносабати билан қабул қилинган хотин-қизларни соғломлаштириш дастури ҳамда бу борала вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Вилоятнинг энг яхши санаторийлари — «Марҳамат» ва «Нефчи» меҳмонлар ихтиёрига ҳавола этилди.

С.ШУКУРОВ,  
ЎЗА мухбири.



Бундан бир неча ой илгари қизғин қурилиш ишлари олиб борилаётган аввалги бош универсам магазини ўрнида бугунги кунда мухташам бино қирғи очди. Сиз суратларда кўриб турганингиз «Чорсу» савдо марказидир.

## ХАРИДИНГИЗ ЯХШИ КУНЛАРГА БҮЮРСИН



Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги таптаналари арафасида иш бошлаган маъсур савдо маркази аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш учун яна бир қўлайлик бўлди, десак, муволага бўлмас. Боси — банионинг ҳар бир қаватида харидорлар кундалик турмуш учун зарур жиҳозлар, кийим-кечаклар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишлари мумкин. Банион олд томонида аввалги фаворалар ўрнида турли русумдаги автоуловлар учун жаҳон андозларига мос яхши қаватли тўхташ жойи ҳам бунёд этилган. Савдо маркази учун бундай қўлайлик савдо-сотиқнинг баридан келишида муҳим омил ҳисобланади. Қолаверса, янгидан иш бошлаган маъсур савдо маркази халқимизнинг яхши кунларига насиб этувчи харидлар қилдириш маскан бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ  
олган суратлар.

## Ҳамширанинг саховати

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ҳамширалар ўртасида ўтказган республика таълимотининг финал босқини Фаргона вилоятидаги «Чимен» санаторийида бўлиб ўтди. Унда маъсур санаторий ҳамшираси Т.Сайдирипова ғолиб бўлди. Ҳамшира соғирин сифатида қўлга киритган янги «Дамас» микро-автотурбини ўзи меҳнат қилаётган жамоага ҳадя этди.

«Ҳамшира — 2001» танловида бошланғич босқичларда муваффақият қозongan 14 нафар ғолибликка даъвогар иштирок этди. Номзод-

ларга ўз санаторийси, истиқомат қилаётган вилояти тўғрисида сўзлаб бериш, юртимиз тарихи, табиётига оид билимларини намойиш қилиш, амалий вазифаларини ҳақ этиш топширилди.

Ҳакамлар хайъати барча иштирокчиларнинг маҳоратини муносиб баҳолади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент вилоятидаги «Турон» санаторийидан А.Сайбоқовага ва Наманган вилоятидаги «Чортоқ» санаторийи ҳамшираси Ш.Усмоновага насиб этди. Ғолиблар қимматли соғвалар билан тақдирландилар.

Вячеслав ДРАЧЕВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 18 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боҳижона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:\*

1 Австралия доллари	..... 217,69
1 Австрия шиллинги	..... 28,53
1 Англия фунт стерлинги	..... 625,15
1 Бельгия франки	..... 97,32
1 Голландия гульдени	..... 178,15
10 Греция драхмаси	..... 11,53
1 Дания крониси	..... 52,77
1 БАА дирҳами	..... 115,47
1 АКШ доллари	..... 424,09
1 Миср фунти	..... 99,96
10 Испания песети	..... 23,59
100 Италия лираси	..... 20,28
1 Канада доллари	..... 270,50
1 Хитой юани	..... 51,24
10 Люксембург франки	..... 97,32
1 Малайзия ринггити	..... 111,62
1 Германия маркиси	..... 200,72
1 Польша злотийси	..... 99,95
1 СДР	..... 546,97
1000 Туркия лираси	..... 0,28
1 Финляндия маркиси	..... 66,03

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

1 Франция франки	..... 59,85
1 Швейцария франки	..... 262,20
1 ЕВРО	..... 392,58
10 Жанубий Корея вони	..... 3,26
10 Япония иенаси	..... 35,92
1 Россия рубли	..... 14,40
1 Украина гривнаси	..... 79,39

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъсур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги олмаган.

## Солиқ тизими

Ўтказилган текширишлар Самарқанд вилоятидаги ҳар икки таълимнинг биттасида солиқ қонунчилиги бузилиши ҳоллари мавжудлигини кўрсатди. Яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларда эса бу кўрсаткич янада юқорироқ бўлди. Нега шундай? Бу солиқ тизими ҳодимларининг ҳаракати сустиглигини ёки бошқа сабаблар ҳам борми?

## ТЕКШИРУВ ВА ТАШВИҚОТ Биз учун уларнинг қай бири афзал?

— 2001 йил олти ойлик солиқ тўловини бўйича режани орти билан уйдатилади, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Нурмат Жўрабеков. — Бюджетга 23811,6 миллион сўм ўрнига 24222,2 миллион сўм туширилади. Солиқ қонунчилиги бўйича текширишлар ҳам белгиланган даражада ўтди. Уларнинг сони ўтган йилга нисбатан камайди. Асосий эътибор бундай текширишларни кўпайтиришга эмас, балки улар самарадорлигини, таъсирчанлигини оширишга қаратилди. Чунки бугунги вазифамиз ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, тадбиркорлар фаолиятига бўлар-бўлмаста аралашиб эмас, балки одамларда солиқ маданиятини ошириш, интизомни таъминлашдан иборатдир.

Дароқе, бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш, қонунчилик талабларини қатъий ва тўлиқ амалга оширишни ташкил этиш — Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган асосий вазифалардан бири. Бу борда вилоят назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси томонидан аниқ ишлар амалга оширилди.

— Жойларда солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолларининг асосий сабаблари нимада?

— Шубҳасиз, айрим мансабдор шахсларнинг солиқ қонунчилигини яхши билимасликлари, бу борда улар билимининг пастлиги шундай ҳолатларни келтириб чиқараяпти. Кўп ҳолларда улар Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини унутиб қўядилар. Оқибатда қўшмача солиқ, мажбурий тўлов, молиявий жарима, устамалар тўлашга мажбур бўлишади. Айниқса, «Узюнама» давлат акциядорлик корпорацияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Узвасабзот» узувсанот-қолдинг» компанияси, «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига кирувчи корхона ва таъшиқлотлар раҳбарлари томонидан солиқ қонунчилигидан чекинши ҳоллари учраб турибди. Масалан, ўтган йили Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирувчи 210 та хўжалик юртувчи субъектда ўтказилган текширишлар натижасида 201 ҳолат-

## УНИВЕРСИТЕТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Олий таълим тизими билан танишиш мақсадида мамлакатимизга келган Париж-сод XI университети президенти, профессор Завер Шабно Бухоро давлат университети ректори Комилжон Муқимов билан икки илм даргоҳининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган шартнома имзоланди. Шу тариқа Бухоро давлат университети ва Париж-сод университетининг бевосита ҳамкорлик алоқалари ўрнатган хорижий шериклари сони ўн иккитга етди.

Илҳом САФАР,  
ЎЗА мухбири.

## ЛОҚАЙД ТУРОЛМАДИМ

Қирқ беш йил Охунбобоев туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида бригадирлик қилдим. Кам бўлганим йўқ. Тўққиз фарзандни тарбиялаб, камолга етказиб, уйли-жойли қилдим. Нафақага чиқишим арафасида хўжалик раҳбарлари 2 гектар ташландиқ узувзор боғни ижарага олишимни таклиф қилиб қолишди. Ҳар қандай далада юрган одамман, эрмак бўлар, деб рози бўлдим. Халқимизда «Боққа боқсанг, боғ бўлади» деган нақл бор. Икки йил ичида ташландиқ узувзор яхшигина даромад берадиган боққа айланди. Кейинча-

лик ижара жамоасини фермер хўжалигига айлантирдим. Одамнинг иши бир текис олдинга юрармас экан. Бундан икки йил аввал боғни совуқ уриб кетди, ҳосил битмади. Қўлни силтаб, фермерликни йиғиштирмоқчи бўлиб юрган кезларимда Юртбошимиз Қашқадарё вилоятининг занг тушган ғаллазорларини кўздан кечириб, деҳқонларни тушундиқча тушмасликка, табиат инжиқликларни олдида бош эгмасликка ундаб, кўнгилларини кўтарди. Бу оталарча ғамхўрлик, деҳқоннинг бошини силлаш менга ҳам далда бўлди.

Яна боғқайчи, кетмонни олиб боққа юзландим. Келгуси йил ҳосилига ҳозирликка киришиб кетдим. Мана, икки йилдирки, боғ саховатини аямаяпти. 2 гектар узувзордан 2-2,5 миллион соф даромад оляяпти. Яна бир-икки кундан сўнг ширкатнинг чўлдаги пахтазорларига кўмакка борамиз. Бизнинг оёққа туршишимизга ширкат кўмаклашганди, энди биз ҳам шундай пайтда унга ёрдам берсак ярашади.

Олимжон БОЙДАДАЕВ,  
«Намуна» ширкат хўжалиги фермери.

## «Халқ сўзи» почтасидан

Шу кун Кўнғиротда яна бир мухташам иншоот — Темирўлчилар спорт саройи ҳам фойдаланишга топширилди. Унда йилнинг барча фаслларида спортнинг бир неча тури билан шуғулланиш мумкин. Айниқса, сарой таркибига сузиш бассейни экологик ноқулай ҳудудда жойлашган шаҳар ёшлари, барча фуқароларнинг соғлигини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Янгибой ҚўҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРИХ

### Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолиятига 5 йил тўлди



сидир. Шу йили «Мустақил Ўзбекистон тарихи» асарини ҳам ана шу нашриётда чоп этиш билан ушбу қарорда қўзда тутилган вазифаларнинг муҳим қисми бажарилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази етарлиқ илмий салоҳиятга эга жамоа сифатида шаклланиб, бу ерда бир қанча илмий йўналишларда, ҳусусан, Ўрта Осиё ҳарбий санъати тарихини (қадимий давр ва ўрта асрлар), Ўзбек давлатчилиги ҳамда илк шаҳарсозлик маданияти масалаларини, Ўрта Осиёдаги энг қадимий алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини, Ўзбекистондаги элтрифик ёдгорликларини, муҳим тарихий ёзма манбаларини ўрганиш бўйича ва бошқа мавзуларда

илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Булар, ўз навбатида, республикамиз тарихи фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўйиши шубҳасиздир. Республикаимизда ва хориждаги тарихчи олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва долзарб тарихий муаммоларини ҳал этишда тарих маркази томонидан ташкил этилган «Ўзбекистоннинг янги тари-

лар учун ёзилган «Ўзбекистон тарихи» дарсликларини ўзбек ва рус тилида, шунингдек, республикамизда яшовчи бошқа қароқол халқлар тилларида таржима қилиб, чоп этилди.

Марказ ўз ҳодимлари ва илмий потенциал билан чекланб қолмасдан республикамиздаги бошқа илмий ташкилотлар, олий ўқув юрти тарихчи олимлари билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундай ёндашув ижобий самаралар берди. Натижада бугунги кунга келиб Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан ҳамкорликда олий ўқув юрти талабалари учун муҳим қўлланма-дарслик вазифасини ўтайдиган «Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмаси (Т., «Университет», 1997), «УзРФА Тарих институти ҳодимлари билан биргаликда «Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ», «Жадидачилик: ислоҳот, янгилик, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» тўпламлари ҳамда «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» лойиҳаси яратилди.

Марказ ҳодимлари Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» курси бўйи-

ча маърузалар ўқимокдалар. Ўтган йили «Академия» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиоти» (1-қисм) китоби нафақат академия тинловчилари, шу билан бирга, бошқа олий ўқув юрти тарихчи олимлари талабалари учун ҳам муҳим дарслик бўлганини айтиб ўтиш керак. Президентимизнинг бир қатор асарларида, ҳусусан, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида илгари суртилган ва асослаб берилган тарихга муносабатнинг илмий-методологик тамойиллари республикамиз тарих фани ривожига туб бурилишни юзага келтирди. Сўнгги йилларда

да Ватанимиз тарихи фани ривожига сифат жиҳатдан кўпгина ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Беш йил катта давр эмас. Ўзбекистоннинг янги тарихи марказининг фаолияти ҳақида яқунли хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Биз бутун дастлабки айрим натижалар ҳақида сўзладик. Умуман олганда, гуманитар таълимни, илмий, ўқув-услубий соҳаларни янги асосларда ривожлантириш мақсадида булар ташкил этилган бундай марказлар келажак ҳам замонавий талабаларга жавоб бериб, халқимиз манфаларига самарали хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ўқтам МАВЛОНОВ,  
тарих фанлари номзоди.

«Халқ сўзи» мухбири  
Абдурусул САТТОНОВ  
сухбатдоши.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ**

**"Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ қарорларини «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириши, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 30 август.

16

**Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ**

**Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**

«Жалқ сўзи» — «Народное слово»

2001 йил

нинг топшириғига кўра унинг ўзи ёки қимматли қоғозлар сотилаётганда инвестор сотиб оладиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги ҳамда инвестор томонидан ахборот тақдим этиш ҳақида талаб қўйилган санадан олдинги олти ҳафта давомида қимматли қоғозларга бўлган нархларни белгилаш тўғрисидаги маълумотлар; ундан инвестор сотиб оладиган, инвесторнинг топшириғига кўра унинг ўзи ёки қимматли қоғозлар сотилаётганда инвестор сотиб оладиган, инвестор томонидан ахборот тақдим этиш ҳақида талаб қўйилган санадан олдинги олти ҳафта давомида у сотиб олган ва сотган қимматли қоғозларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар ёхуд бундай операциялар ўтказилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар; шартномада қайд этилган муддатларда инвесторларнинг манфаатларини кўзлаб, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимларнинг натижалари бўйича ҳисобот; инвестиция институти йилнинг бир чораги давомида бир эмитентнинг бир турдаги қимматли қоғозлари билан операцияларни ҳамда бир эмитентнинг бир турдаги қимматли қоғозлари билан бир маротабалик операцияни амалга оширган ҳолларда, башарти бу операция бўйича қимматли қоғозларнинг сони мазкур қимматли қоғозлар умумий сонининг камида ўн беш фоизини ташкил этган бўлса, ўзи қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар

8

тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция институти инвесторларни ушбу моддада назарда тутилган ахборотни олишга ҳақли эканликларидан хабардор қилиши шарт.

Инвестиция институти ушбу моддада назарда тутилган ахборотни ёзма шаклда назарда тақдим этганлик учун ундан нусха кўчиришга сарфланадиган харажатлардан ошмайдиган миқдорда ҳақ олиши мумкин.

**7-модда. Қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимларнинг ҳамда инвесторлар маблағларининг ҳисобини юритиш**

Инвестиция институти инвесторлар иштирокида қимматли қоғозлар билан ўзи тузадиган барча битимларнинг ҳисобини юритади.

Инвестиция институти томонидан қимматли қоғозларнинг ҳамда инвесторлар маблағларининг ҳисобини юритиш унинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобидан алоҳида тарзда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

**8-модда. Эмитентлар ва инвестиция институтларининг жавобгарлиги**

Эмитентлар ва инвестиция институтлари инвестор олдида етказилган зарар доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар учун мулкий жавобгар бўладилар:

инвесторнинг талабига биноан қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-

9

ха кўчиришга сарфланадиган харажатлардан ошмайдиган миқдорда ҳақ олиши мумкин.

**11-модда. Инвесторларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш**

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларининг бузилиши масалалари юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари ҳақида бир ойдан кечиктирмай аризачини хабардор қилади.

Фонд биржаси биржа савдоларида қатнашаётган инвестиция институтлари, биржа савдоларининг мансабдор шахслари ва мутахассислари ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган инвесторларнинг шикоят ва аризаларини биржа савдолари қоидаларига назарда тутилган тартибда кўриб чиқади.

Инвесторларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ақунари юзасидан фонд биржаси:

қоидабузарга нисбатан биржа савдолари қоидаларига белгиланган жавобгарлик чораларини қўллашга;

қоидабузарга инвесторга етказилган зарарларни қоплашни таъминлашга;

инвестиция институтини ўз аъзолари сафидан чиқариш ва унга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришни сўраб қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича

14

**2-модда. Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқлари**

Инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

эмитентдан қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги, эмитентнинг жорий молиявий ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги ахборотни тақдим этишни талаб қилиш;

қимматли қоғозлар бозорида уларга ўз хизматларини тақлиф этувчи инвестиция институтларидан ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ улар тўғрисидаги, шунингдек, қимматли қоғозларнинг фонд биржасидаги савдоларини ва биржадан ташқари савдосини ўтказиш қоидалари ҳақидаги ахборотни талаб қилиш;

пул ва бошқа тўлов маблағлари, мол-мулк билан, шунингдек, пул қиймати эга бўлган ҳуқуқлари (шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар) асосида қонун ҳужжатларида ва эмитентнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозларга инвестициялар қўйиш;

3

Эмитент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида қимматли қоғозларнинг чиқарилиши тўғрисидаги (қимматли қоғозлар чиқарилгани давлат рўйхатидан ўтказилгани, инвесторларни қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти билан таништириш жойи ва тартиби тўғрисидаги) маълумотларни ушбу қимматли қоғозларнинг эмиссияси бошланишига камида икки ҳафта қолганда эълон қилади, шунингдек, қимматли қоғозлар эмиссияси шартларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни бу ўзгаришлар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилгандан кейин эълон қилади.

Ўз қимматли қоғозлари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган эмитентлар инвесторларга қимматли қоғозларнинг эмиссияси проспекти билан, ўзларининг ўтган икки йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги (агар бундай фаолият амалга оширилган бўлса) йиллик ҳисоботлари билан, илгари ўзлари чиқарган қимматли қоғозлар ҳақидаги ахборот билан танишиш имкониятини таъминлашлари шарт.

Эмитент қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда инвесторларга бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши шарт.

Эмитент ушбу моддада назарда тутилган ахборотни ёзма шаклда инвесторга тақдим эт-

6

жада бажармаганлик, шунингдек, инвестор билан тузилган шартномада қайд этилгандан фарқ қиладиган шартларда битим тузганлик учун.

**9-модда. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқлари**

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инвесторларнинг, шунингдек, давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиб даъво аризалари билан судга мурожаат этиш;

инвесторларнинг ҳуқуқларини бузган ёки ўз ҳаракатлари билан инвесторларнинг ҳуқуқлари бузилишига таҳдид солувчи инвестиция институтларига қимматли қоғозлар бозорида айрим операцияларни ўтказишни ўз ваколатлари доирасида тақиқлаш ёки олти ой муддатга қадар қўйиш;

бошқа давлат органларидан қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларининг бузилганлиги фактларини ўрганиш учун зарур бўлган, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига тааллуқли маълумотлар ва материалларни сўровлар асосида олиш, шунингдек, мазкур фактларни биргаликда ўрганиб чиқиш.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга со-

11

**Янгилик**

**ҲАМ ТЕЗ,  
ҲАМ ИШОНЧЛИ**

Тизза бўғими шикастланиши ва хасталигига аниқ ташхис қўйиш, уни даволаш тиббиётдаги жиддий муаммолардан. Бу дардга кўпроқ жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи ёшлар чалиниши, улардаги жароҳатлар муолажаси узоқ чўзилиши шифокорларни доимо ўйлантириб келди.

ча бундай аппарат республикада ягона. Шифокорларимиз Ш. Тўрақулов ва Ш. Негматуллаев Москвада-

ги Марказий травматология-ортопедия институтида артроскопда ишлаш жараёнини ўрганиб келишди.



Суратда: бўғим бошлиғи Шавкат Тўрақулов (ёнда) ва шифокор Шокар Негматуллаев артроскоп аппарати ёнда.

Кейинчалик Самарқандда бу ишни тўлиқ йўлга қўйиш мақсадида малакали мутахассислар тақлиф этилиб, улар иштирокида саккизта операция ўтказилди.

Натижалар шифокорларни қувонтирди. Тизза бўғимларидаги шикастларни даволаш мақсадида бир неча шифохоналарда дардига дармон излаган беморларнинг эса хурсандчилиги чексиз. 17 ёшдан 72 ёшгача бўлган дардмандларнинг ҳаммасида операция муваффақиятли ўтди. Улар 2-3 кунда оёққа туришди. 14-15 кунда соғайиб, уйларига қайтишди.


Артроскопик даволашнинг бошқа хилдаги муолажадан фарқи бўғим ичи очилмаслиги, жараённинг тўлиқ экранда кўриниб туриши, беморларнинг ҳафта-ўн кунда тузалиб чиқишида эканлиги шифокорлар эътироф этишаётипти.

Абдул РАСУЛ,  
«Жалқ сўзи» мухбири.

**Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари!**

**СИЗНИ ВАЛЮТАНИ ҚАЕРДА АЛМАШТИРИШ САВОЛИ БЕЗОВТА ҚИЛАДИМИ?**

Унда билиб олинг,  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**«АСАКА» БАНК**  
**ФИЛИАЛИ**



сизга янги очилган валюта айирбошлаш шохобчалари манзилларини чоп этмоқда.

«АСАКА БАНК» ВИЛОЯТ БЎЛИМИ  
Яккасарой тумани,  
И.Оқилов кўчаси, 40-уй.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ  
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26-уй.

«САОДАТ» СУПЕРМАРКЕТИ  
Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 22-а уй.

«ОКЕАН» МАГАЗИНИ  
Яккасарой тумани,  
У.Носир кўчаси, 53-уй.

Шу билан бирга, «Amerikan Exspres» йўл чекларини харид қилишингиз мумкин.

«Amerikan Exspres» йўл чеклари — бу сизни ривожланган давлатлардаги паспортингиз, у сизни валюта алмаштиришдек ишдан халос этади, чунки бу чеклар сиз борган давлатнинг валютасига тез ва осон алмаштириб олишингизга имкон беради.

Сиз ўзингизни қизиқтирган саволлар билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:  
**120-84-07, 120-84-04.**

**"ЛОК КОЛОР СИНТЕЗ"**  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ўзи ишлаб чиқарган кенг ассортиментдаги тикувчилик маҳсулотларини тақлиф этади.

**МАХСУС КИЙИМЛАР**

- ✓ энги узун эркаклар иш костюми;
- ✓ энги калта эркаклар иш костюми;
- ✓ эркаклар ярим комбинезони;
- ✓ аёллар ярим комбинезони;
- ✓ аёллар иш бермудалари;
- ✓ аёллар иш фартуклари;
- ✓ эркаклар иссиқ иш куртчалари;
- ✓ йўл хизмати ходимлари жилети;
- ✓ аёллар тиббий халати;
- ✓ эркаклар тиббий халати;
- ✓ аёллар иш халати;
- ✓ эркаклар иш халати;
- ✓ ошпазлар курткиси;
- ✓ ошпазлар бош кийими;
- ✓ ички кийимлар;
- ✓ кўлқоплар

Хар хил рангли ва ўлчамли

**КЎРПА-ЁСТИҚ БЎЮМЛАРИ**

- ✓ кўрпа жилдлари;
- ✓ чойшаблар;
- ✓ ёстиқ жилдлари.

ШУНИНГДЕК,

- ✓ дастурхонлар;
- ✓ дастурхон + 6та ип газламали салфетка;
- ✓ ип газламали салфеткалар;
- ✓ 85x50 ўлчамдаги сочиклар.

ҳамда миқозларнинг буюртмаларига кўра, бошқа махсус кийимлар тикиб берилади.

Телефонлар: 191-47-41, 191-80-94, факс: 191-74-63.

ларида белгиланган ахборотни тақдим этмаганлик ёхуд ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотни тақдим этганлик учун;

қимматли қоғозлар эмиссиясининг белгиланган тартибини бузганлик учун;

қимматли қоғозларнинг инсофсиз рекламасини амалга оширганлик, қимматли қоғозларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган чиқарилишининг рекламаси, шунингдек, муомалада бўлиши қонун билан тақиқланган қимматли қоғозларнинг рекламаси учун;

улар инвесторлар билан қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини ҳамда эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг жавобгарлигини чеклайдиган шартномаларни тузганлик учун;

аниқланган ҳийла-найранг ишлатиш фактлари ва қимматли қоғозлар бозоридида бошқа қоидабузарликлар, шунингдек, қимматли қоғозлар, қимматли қоғозларнинг эмитентлари, қимматли қоғозларга доир нархлар тўғрисида, шу жумладан, рекламада қасддан бўлиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш йўли билан инвесторларни қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга даъват қилганлик учун;

инвесторлар билан тузилган шартномалар шартларини бажармаганлик ёки лозим дара-

10

ганлик учун ундан нусха кўчиришга сарфланган харажатлардан ошмайдиган миқдорда ҳақ олиши мумкин.

**6-модда. Инвестиция институтларининг инвесторларга ахборот тақдим этишга доир мажбуриятлари**

Инвесторнинг талабига биноан унга қимматли қоғозлар бозоридан ўз хизматларини тақдиф этаётган инвестиция институти қўйидаги ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этади;

қимматли қоғозлар бозоридан касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

инвестиция институтининг юридик шахс ёки яқка тартибдаги тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

инвестиция институтининг устав капитали, ўз маблағларининг миқдори ва захира фонди тўғрисидаги маълумотлар;

ундан инвестор сотиб оладиган ёки инвесторнинг топширигига кўра у сотиб оладиган қимматли қоғозлар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бу чиқарилишининг рўйхатдан ўтказилиш рақами;

ундан инвестор сотиб оладиган ёки инвесторнинг топширигига кўра у сотиб оладиган қимматли қоғозларнинг эмиссияси проспектида баён этилган маълумотлар;

ундан инвестор сотиб оладиган, инвестор-

7

**Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ**

**Қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади инвесторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, эмиссия жараёнидан ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар уларнинг инвестициялаш объекти ҳисобланади.

Ушбу Қонун банклар, бошқа кредит ва сургурта ташкилотлари томонидан жамғармаларга пул маблағларини жалб этиш билан, депозит сертификатлар, векселлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ эмиссия жараёнидан ўтказилмайдиган бошқа қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

2

ваколатли давлат органига ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Фонд биржаси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг талабига биноан инвесторларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ақуқлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

**12-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**13-модда. Қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 30 август.

15

лиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича судга даъво билан мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасидаги кўрсатмалари эмитентлар, инвестиция институтлари ва уларнинг мансабдор шахслари ижро этишлари учун мажбурийдир.

**10-модда. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар бозоридан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир мажбуриятлари**

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи:

1) инвесторларни оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўзи яратган электрон ахборот-маълумот тизимлари орқали:

қимматли қоғозларнинг рўйхатга олинган чиқарилиши тўғрисида ҳамда эмиссияси ва муомалада бўлиши тўғрисида қўйилган (қайта тикланган) қимматли қоғозларнинг чиқарилиши тўғрисида;

фонд биржасига биржа фаолиятини амалга ошириш учун, инвестиция институтларига қимматли қоғозлар бозоридан касбий фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар берилганлиги тўғрисида, амал қилиши тўғрисида қўйил-

12

инвесторларнинг бирлашмалари орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Инвесторлар қимматли қоғозлар бозоридан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**4-модда. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозоридан чеклашлар**

Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозоридан қуйидагилар тақиқланади:

чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилмаган, шунингдек, эмиссияси тўғрисида қўйилган қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши, уларни реклама қилиш ва тақдиф этиш;

инвесторлар билан уларнинг қимматли қоғозлар бозоридан инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини чеклайдиган шартномаларни тузиш;

қимматли қоғозлар бозоридан инвестиция институтлари ва фонд биржаси томонидан касбий фаолиятни тегишли лицензияларсиз амалга ошириш;

қимматли қоғозларнинг эгаси ўзига тегишли қимматли қоғозларнинг қиймати тўлиқ тўланганига қадар уларга доир битимлар тузиши.

**5-модда. Эмитентларнинг инвесторларга ахборот тақдим этишга доир мажбуриятлари**

5

қимматли қоғозлар бозоридан қуйидагилар тақиқланади:

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органидан инвестиция институтлари ва уларнинг бирлашмалари тўғрисида, қимматли қоғозлар эмиссиясини тўғрисида қўйишга, қимматли қоғозлар бозоридан касбий фаолиятга доир лицензияларнинг амал қилишини тўғрисида қўйиш, тугатиш ва бекор қилишга доир барча ҳолатлар, инвестиция институтлари ва эмитентлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг даъво аризалари бўйича эмитентлар ёки инвестиция институтларига нисбатан чиқарилган суд қарорлари ҳақида ахборот олиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига эмитентлар ёки инвестиция институтлари томонидан уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлар билан мурожаат қилиш;

фонд биржаси аъзолари, унинг мансабдор шахслари ва мутахассислари томонидан ҳуқуқлари бузилган тақдирда фонд биржасига шикоятлар билан мурожаат қилиш;

қимматли қоғозлар бозоридан ҳуқуқлари бузилганлиги ва етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;

4

ган ёки тугатилган лицензиялар тўғрисида, шунингдек, тўғрисида қўйиш, тугатиш ёки бекор қилишининг сабаблари кўрсатилиб, бекор қилинган лицензиялар тўғрисида;

қимматли қоғозлар бозоридан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун жавобгарлик чоралари қўлланилган эмитентлар, инвестиция институтлари, мансабдор шахслар ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жавобгарлик чора турлари тўғрисида;

унинг даъво аризалари бўйича чиқарилган суд қарорларидан хабардор қилишга;

2) қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги фактлари аниқланганда текширувлар ўтказиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга;

3) давлат органларидан ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларидан инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этишга мажбурдир, ахборотни учинчи шахсларга ошқор этилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу моддада назарда тутилган ахборотни ёзма шаклда инвесторга тақдим этганлик учун ундан нус-

13

**Рассомлар ижод уйи**

Ўзбекистон Бадий академиясининг пойтахт вилоятининг хушманзара худудларидан бири — Оқтошдаги ижод уйи фойдаланишга топширилди. Бу ерда Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб дастлабки тадбир — республика рассомларининг биринчи симпозиуми иш бошлади. Тадбир иштирок-

чилари икки ҳафта давомида Оқтошнинг гузал манзараси — пурвиқор тоғлар, кўк арчазорларию мевалари фарқ пишган серҳосил боғларидан илҳомланиб, ранг-баранг асарлар яратди. Тадбир якунида эса ана шу асарлар кўргазмаси ташкил этилади.

(Ў.А.)



**Ажойиб дунё ҳақида орзулар**

**Алюминий ромлар, эшиклар, витражлар**

Маҳсулотимизнинг бежирим ташқи кўриниши, юқори сифати ва ажойиб техник имкониятлари кўзингизни кувонтиради.

«Алқур» бизнес марказлари, коллежлар, турар жой бинолари қурилишида иштирок этади.

• Сервис хизмати кўрсатишга кафолат берамиз.

Қўйлик




Олмалиқ

**ALQUR**

Тел.: 98-64-83; 185-67-74; 98-64-82; 98-64-88. Факс: 98-64-84; 98-47-00.

Манзил: Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоссеси, 2.



**ТС-ТЕХНОЛОГИЯ**

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, "Пойтахт" Бизнес мажмуи, Фарбий томон, 2-йўлак, Офис 29,30 Тел. 137-72-91, факс: 137-72-92

Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222. Тел. (3662) 22-09-54, 22-24-75 E-mail: tstech@tstech.uz



**Катта имкониятлар - яхши нархлар!**



«Уй-рўзгор моллари» улгурчи чакана савдо фирмаси жамоаси фирма раҳбари Муҳитдин Зияева падари бузруквори

ҲОЖИДДИН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Х.Ҳожирахमतовага онаси

Баҳрихон ЖҲРАБОВЕАнинг

вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоадари бирлашма аъзоси, «Ўзбекино» компанияси фахрийи Қиёмиддин ДОНИЕРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қадирбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтган тартибга № 00001 Буюртма Г — 2815, 20397 пушхона босмаси, ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бирими А—2 Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОВАҚВ ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди. Таърифтаги ҳажми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайд.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 70000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — М. Холматова, Муасхххх — О. Абдулвапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилади: 21.40 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси